

"Ёш чегарчилар"имиз вилоятда биринчи



Ҳар йили ўтказиб келинадиган "Ёш чегарчилар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда Термиз тумани 16-сонли умумтаълим мактабининг "Сарҳад" жамоаси ҳам иштирок этди. Мурасасиз кечган вилоят биринчилигида Термиз тумани вакили бўлган "Сарҳад" жамоаси биринчиликни қўлга киритиб, мусобақанинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тантанали топширилди.

Термиз туман ҳокимлиги тумандаги 16-сонли умумтаълим мактаби жамоаси ва "Сарҳад" жамоасини ҳамда ота-оналарни ушбу ғалаба билан муборакбод этади.

Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати